

ХУДОЯРОВ Анвар Анджанович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом иқтисодиёти ва молияси,
зиёрат туризми кафедраси доценти
anvarxuloyorov111@gmail.com

ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИДА ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ИНДУСТРИИ ТУРИЗМА В СТРАНАХ МИРА

FEATURES OF THE DEVELOPMENT OF THE TOURISM INDUSTRY IN THE COUNTRIES OF THE WORLD

Аннотация. Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан туризм соҳасида алоқалар ўрнатиши ва ривожлантириши, мамлакатимизга туристлар оқимининг кириб келишини таъминлаш, сайёҳларга хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароитларни яратиш, хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини кенгайтириш, туристлар хавфсизлигини таъминлаш, юртимизда туризм индустриясини ривожлантириш механизмлари кўриб чиқилган.

Таянч иборалар; менежмент, диверсификация, кластер, зиёрат туризми, тадбиркорлик, стандарт, ҳамкорлик, тажриба, ҳуқуқий асослар, ҳуқуқий-иқтисодий база, хавфсизлик.

Аннотация. В статье рассматривается налаживание и развитие отношений Узбекистана с международными организациями и зарубежными странами в сфере туризма, увеличение притока туристов в нашу страну. Также, повышение организационно-экономические аспекты, качества и культуры услуг, а также механизмы управления отношениями, связанными с безопасностью туристов.

Ключевые слова; менежмент, диверсификация, кластер, полонический туризм, предпринимательство, стандарт, партнерство, опыт, правовая база, правовая и экономическая база, безопасность.

Annotation. This article examines the establishment and development of relations of the Republic of

Uzbekistan with international organizations and foreign countries in the field of tourism, an increase in the influx of tourists to our country. Also, improving the organizational and economic aspects, quality and culture of services, as well as mechanisms for managing relations related to the safety of tourists.

Keywords; management, diversification, cluster, adventure tourism, entrepreneurship, standard, partnership, experience, legal framework, legal and economic framework, security,

КИРИШ

Туризмнинг глобал ривожланиши дунё мамлакатларини яқинлаштириб, уларнинг ўзаро муносабатларини фаоллаштиришда энг ишончли ва энг мустаҳкам тизимдир. Туризм ривожланиши деярли барча соҳаларга ижобий таъсир кўрсатиб мамлакат иқтисодиётининг динамик тарзда ўсишига олиб келади. “Мамлакатнинг тарихий ривожланиши, бой маданий мероси бир неча минг йиллик тарихга эга мамлакатлар (Миср, Ироқ, Хитой, Хиндистон, Ўзбекистон) сайёҳларни ўзига жалб қиладиган бой тарих ва маданий меросга эга” [1,7]. Шунинг учун, кўпгина давлатлар ва тадбиркорлар туризмнинг ривожланиши учун катта эътибор бермоқдалар.

Шунингдек, соҳага киритилаётган сармоя қисқа фурсатда ўзини оклаши, туристик компаниялар имкониятлари кенгайиши ҳамда юқори фойда олиш мумкинлиги соҳага жалб қилинаётган инвестициялар ҳажмини оширмоқда.

Туризм иқтисодиётнинг стратегик тармоғи сифатида мамлакат тараққиётини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Шунинг учун, туризмни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратишга қаратилган халқаро меъёр ва стандартларни имплементация қилиш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, қулай туризм муҳитини яратиш, транспорт логистикасини ривожлантириш, ички ва ташқи йўналишларни кенгайтириш, транспорт хизматлари сифатини оширишга эътибор қаратилган.

Туризм индустриясининг турли сегментларига йўналтирилган маҳсулот ва хизматларини диверсификация қилиш, Ўзбекистон Республикаси туризм маҳсулотини халқаро ва ички туризм бозорларида тарғиб

қилиш, мамлакатнинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз сифатидаги имиджини мустаҳкамлаш ҳамда туризм тармоғи учун кадрлар тайёрлашга йўналтирилган 2019 йил 5-январда 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси, ҳамда 2019-йил 18 июль куни «Туризм тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилинди.

Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда истиқболли ҳамда сердаромад секторлар улушини ошириш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, инвестицион жозибадорликни ошириш, ишсизликни камайтириш ва халқаро ҳамжамият билан иқтисодий алоқаларни яхшилаш учун мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ўзбек туризмни ривожлантириш бугуннинг долзарб масаласига айланган.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда биринчи галда жаҳон туристик бозор конъюктурасини ўрганиш, уни таҳлил қилиш, жаҳон туристик бозорида муносиб ўрин эгаллаш учун рақобатбардош туристик хизматларни яратиш, Ўзбек туризми жозибадорлигини дунёга намоиш этиш ва туризмдан олинадиган даромадларни максималлаштириш муҳимдир.

Бу ўз навбатида халқлар, миллатлар, турли дин вакиллари ўзaro маданиятларнинг уйғунлашуви, тинчлик-барқарорликнинг мустаҳкамлашуви, миллатлар ўртасида ҳурмат ва эҳтиромнинг ортиши, халқлар ўртасида бағрикенглик ва ишонч туйғуларининг шаклланишига сабаб бўлади, минтақаларнинг иқтисодий ривожланишга олиб келади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бугунги кунда дунё миқёсида туризм иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, дунё мамлакатлари ижтимоий иқтисодий фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. “Бутунжаҳон туристик ташкилотининг маълумотларига кўра, дунё бўйича 2018 йилда туризмнинг жаҳон ЯИМдаги улуши 8,8 триллион АҚШ доллариға, яъни ЯИМнинг 10.4 %ига, шунингдек, , умумий экспортнинг 1,5 триллион АҚШ доллари яъни 6.5 %ига (бу умумий хизматлар экспортининг 27.2%и демакдир) ва 319 миллион иш ўрни (ҳар 10 дан 1 киши туризм соҳасида ишлайди)

га тенг бўлди” [2, 65]. Сўнгги беш йил ичида барча глобал иш ўринларининг 5 тадан биттаси айнан туризм соҳасида яратилган.

Тегишли маълумотларға кўра, кейинги 10 йил ичида дунё бўйича туризм соҳасида 100 миллион қўшимча иш жойлари яратилиши кутилмоқда. Бу кейинги ўн йилликда ҳар тўртта янги иш жойидан биттаси туризм сектори томонидан яратилишини англатади. Туризм соҳасидаги ишлар айниқса аёллар, ёшлар ва бошқа жамиятнинг чекланган қатламлари бандлигини оширишға хизмат қилади. Туризм иқтисодиёти учун жуда муҳим бўлган мамлакатларда иш ўринларини яратишда асосий манба сифатида қаралмоқда.

“ Грецияда яратилган барча янги иш ўринларининг 71%и, Португалияда 60% ва БААда 47%и мана шу сектор ҳиссасига тўғри келмоқда. 2018 йилда халқаро туристлар сони 1,4 млрдга тенг бўлди ва бу кўрсаткич 2027 йилға келиб 2 млрд кишидан ортиқ бўлиши кутилмоқда [3]. Ҳозирда туризм “2018 йилда 3.9% ўсиш билан дунё миқёсида энг тез ривожланаётган иккинчи сектор (ишлаб чиқариш саноати 4,0% ўсган) ҳисобланади. Ундан кейинги ўринларда соғлиқни сақлаш (+ 3.1%), ахборот технологиялари (+ 1.7%) ва молиявий хизматлар (+ 1.7%) секторлари ўрин эгаллади. 2018 йилда ўртача глобал иқтисодий ўсиш 3.2% бўлган бўлса, бу кўрсаткич туризм соҳасида ундан юқори ўсишни қайд этди [4].

Туризм турар жой ва транспортдан тортиб озик-овқат, чакана савдо, маданият, спорт ва дам олишгача бўлган соҳалардаги маҳсулотлар ва хизматларни яратишға, жамиятни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашға ва дунё бўйлаб анъанаға айланган байрамларини нишонлашға хизмат қилади.

Чикиш туризми. Жаҳон туристик бозорида ривожланган мамлакатлар туристларининг улуши катта ҳисобланади. Чунки туризм аввало юқори даромадға боғлиқ бўлиб, турмуш даражаси ривожланган мамлакатлар аҳолиси кўпроқ саёҳат қилишни авзал кўришади. Бу ўз навбатида мамлакатда чет элга саёҳатларини яъни чикиш туризмни ривожлантиради.

Туристларнинг саёҳат қилиш мақсади турлича бўлиб, бугунги кунда ананавий тармоқлар билан бирға замонавий туристик йўналишлари ҳам ривожланиб бормоқда. Янги

туристик манзилларининг кўпайиши туристлар оқиминининг тез-тез ўзгариб туришига олиб келмоқда.

1-жадвал

**2018 йил январь август ойларида
туризмнинг турлари бўйича
ривожланиши, % да**

Январь - 2018 йил август	Гло- бал	Ев- ро- па	Осё- Тинч океани	Ши- молий Аме- рика	Ло- тин Аме- рика
Жами ташқи саёҳатлар	+ 6%	+ 5%	+ 8%	+ 4%	+ 8%
Дам олиш учун саёҳатлар	+ 7%	+ 6%	+ 10%	+ 4%	+ 10%
Шаҳар саёҳатлари	+ 8%	+ 6%	+ 10%	+ 4%	+ 18%
Пляж саёҳати	+ 10%	+ 8%	+ 15%	+ 3%	+ 15%
Туристлик саёҳатлар (шаҳар ташқарисига)	+ 4%	+ 5%	-2%	+ 5%	+ 3%

Манба: World Travel Trends 2018/2019, P.1.


2018 йилнинг дастлабки саккиз ойи ичида дунё миқёсидаги сайёҳлар ҳажми 6 фоиз ўсиши билан, жаҳон туризм индустрияси ўз тарихида юқори ўсиш суратлари билан ўрин олди. Анъанавий туристик йўналишларида туристлар сонининг ортиб бориши билан бирга янги туристик йўналишларнинг ҳам ривожланиб бораётганини кўриш мумкин (1-жадвал).

Дам олиш саёҳатлари барча минтақалардаги ўсишнинг асосий омили бўлиб, ўртача 7 фоизлик ўсишни қайд этди. Шунингдек, пляж саёҳати ҳам юқори ўсишга эришди ва ҳатто ўсиш бўйича шаҳар саёҳатларини ортда қолдирди. Шимолий Америкада қисқа муддатли туристик саёҳатлар, шу жумладан шаҳар ташқарисига саёҳатлар кучли ўсишни кўрсатган бўлса, Осиё-Тинч океанида бу кўрсаткич бироз пасайиш кузатилди. Мутахасисларнинг фикрига кўра, бу йил, 2018 йил билан таққослаганда, прогноз жуда ижобий ва кучли ўзгаришлар давом этади.

Туристлик йўналишларнинг минтақаларда ривожланишидаги номутоносибликларга сабаб ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий, тарихий, маданий ҳамда географик хусусиятларининг ўзига хослигидир.

Европада чиқиш туризми 2018 йил давомида барқарор ўсиш суратларини, 6 фоизлик ўсишни кўрсатди. Швеция, Россия, Италия, Германия, Австрия айниқса Польша туристик бозорларининг ривожланиши, ҳамда Туркия ва Грецияда туристик инфратузилманинг ривожланиши ва туристик жозибадорликнинг ортиши европалик сайёҳлар оқимининг оширишида асосий сабабчи омиллардан бўлди [5]. 2019 йилга прогнозлар ижобий бўлиб, юқори ўсиш кутилмоқда.

Европалик туристлар йилига 495.6 млрд. долл. (2017 йил) сарф қилишади. Бу борада германияликлар Европада биринчи, дунё бўйича эса учунчи ўринда туради. Буюк Британия, Франция туристлари саёҳатлари давомида қиладиган сарф харажатлари билан жаҳонда етакчи бешликка киради (1-расм).



**1-расм. Етакчи 5 мамлакат
туристларининг йиллик сарфлари,млрд.
АҚШ долл (2017 й.)**

Манба: UNWTO barometer 2018 – World Tourism Organization (UNWTO), апрел 2018. <https://www.moodiedavittreport.com/wp-content/uploads/2018/04/wto-1.png> [6].

Саёҳатчиларнинг халқаро саёҳатларидаги энг юқори ўсиш сурати Осиё ва Лотин Америкасига тўғри келди. Шунингдек, Осиё сайёҳларнинг 2018 йилнинг биринчи саккиз ойида 8 фоизга ўсиши халқаро саёҳатларнинг ўсишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Осиё ва Тинч океани 2018 йилда туризм ўсиш суръати бўйича энг кучли минтақа бўлди. Таиланд, Вьетнам, Малайзия, Камбоджа ва Лаос каби анъанавий дам олиш жойларига туристлар оқими сезиларли ошган. Осиё туристик

бозорларига назар ташлайдиган бўлсак, Хитой чиқиш туризми бўйича энг юқори 13% ўсиш билан минтақада асосий ўсиш омили бўлиб келмоқда. Такидлаш керакки, ўтган йили дунё бўйлаб туризм ўсишининг чорак қисми Хитойнинг ўзигагина тўғри келди

Шимолий ва Лотин Америка туристларининг халқаро саёҳатлари 2018 йилнинг дастлабки саккиз ойида 5 фоизга ўсди. Таққослаш учун, Лотин Америкаси аҳолисининг ташқи саёҳати сезиларли даражада кучли (8% дан юқори) бўлган бўлса, Шимолий Америкаликларнинг саёҳатлари эса 4% га ошган. АҚШ ўтган йилги пасайишдан сўнг, бу йил чиқиш туризми 7% кўпайган бўлса, Канадада бу кўрсаткич бўйича пасайиш кузатилди. Чили саёҳатчилари чет элга сафарлари 8% га ошди. Бу кўрсаткич Мексикада 2% ўсишни қайд этди. 2019 йилга мўлжалланган прогноз Шимолий ва Лотин Америкаси учун жуда ижобий бўлиб, туристлар ҳажми 8% га ўсиши кутилмоқда [7].

Шимолий Америкада (асосан АҚШда) сўнги йилларда жадал ривожланаётган туристик сегментлардан бири бу круиз саёҳатларидир. Умуман олганда бу сегмент жаҳон туризмида жуда ҳам кам улушга эга бўлсада, бу турдаги саёҳатлар бошқа саёҳат йўналишларига қараганда икки марта юқори ўсиш суратига эгаллиги билан муҳимдир.

АҚШ саёҳатчиларининг сони бўйича жаҳон туризм бозорининг энг катта манбаси ҳисобланади. Ундан кейин Хитой, Буюк Британия ва Германия ўрин эгаллайди. Бу 4 мамлакатлар саёҳлари дунё туристларининг 35% ни ташкил этади. АҚШ туристлари энг кўп ташриф буюрадиган саёҳат манзиллари Испания, Германия ва Франция ҳисобланади [8].

Туризм экспорти. Дунёда кўпгина мамлакатлар туристик хизматлар экспорт қилиш орқали катта иқтисодий ўсиш имкониятига эга бўлишмоқда. Бу ўз навбатида туризм сектори бўйича халқаро даражадаги рақобатни шакиллантирмоқда (2-жадвал).

2-жадвал

**Туризмнинг иқтисодиётдаги улуши,
минтақалар бўйича**

Минтақалар	Туризм-нинг ЯИМ даги улуши	Туризм секторида банд бўл- ган аҳоли, млн. киши	2018 йилда ўтган йилга нисбатан туризмнинг ЯИМ даги улишининг ўсиши, фоиз- да
Америка	2,3 трлион долл. АҚШ	44,2	2,3
Осиё-Тинч Океани	2,9 трлион долл. АҚШ	179,6	6,4
Африка	194 млрд. долл. АҚШ	24,3	5,6
Европа	2,2 трлион долл. АҚШ	36,7	3,1
Яқин Шарқ	237 млрд. долл. АҚШ	5,4	0,6
Жами	7,8 трлион долл. АҚШ	290,2	-

Шимолий Америкада туризм ЯИМ га қўшган ҳиссаси 2018 йилда 2,3% га ошди. АҚШ минтақа туристик фаолиятнинг асосий иштирокчиси бўлиб қолмоқда, Шимолий Америка туризм секторининг 83%и (ва глобал улушнинг 18%и) АҚШ ҳиссасига тўғри келмоқда. АҚШдаги 2,2% лик ўсиш асосан ички бозор ҳиссасига тўғри келди, шу билан бирга хорижий туристалардан келадиган даромад 1% га камайди [9].

Кирувчи даромадларнинг пасайиши долларнинг бошқа кўплаб валюталарга нисбатан мустаҳкамланиши, шунингдек, халқаро туристларнинг Германия ва Осиёнинг асосий бозорларига (Хитой, Жанубга) ташрифларнинг ортиши билан боғлиқдир. Хитойдан келадиган халқаро ташрифлар сонининг қисқариши 2018 йилда қисман икки мамлакат ўртасидаги савдо алоқаларининг ёмонлашиши билан боғлиқ.

Лотин Америкасида туризм 2018 йилда 2,4% га ўсди, бу минтақанинг умумий иқтисодий ўсишидан икки барабар тезроқ

демакдир. Туризмнинг ривожланишида миллий валютанинг қадрсизланиши (масалан, Аргентина), визаларни енгиллаштирилиши (масалан, Бразилия) ва баъзи мамлакатлар (масалан, Эквадор) томонидан хорижий авиакомпаниялар учун очилиши асосий омиллардан бўлди. Шунингдек, Эквадор туризми минтақада 21.6% ўсиш билан энг тез ўсишга эришди, туристик салоҳияти юқори бўлган давлатлар (Бразилия, Колумбия ва Перу) да ҳам юқори ўсиш кузатишди. Кариб денгизида туризмнинг 2.1 фоизга ўсиши бўрондан кейинги тикланиш билан боғлиқ.

Осиё-Тинч океани минтақасида ўрта катламнинг ўсиб бориши, ўзаро транспорт алоқаларнинг ривожланиши ҳамда инфратузилманинг яхшиланиши минтақа ЯИМ даги туризмнинг улуши ортишига хизмат қилмоқда. 2018-йилда бу кўрсаткич бўйича энг юқори ўсиш айнан мана шу минтақага тўғри келди. Жумладан, Хитой туризми 2018-йилда 7.3% га ўсиб, минтақа туризмнинг 51% ни (дунё туризмнинг эса 17%ни) ташкил қилди [10,71].

Хитойлик саёҳларнинг Жануби-шарқий Осиёга саёҳатлари ортиши билан минтақанинг йирик туризм иқтисодиётига эга бўлган Таиланда 6% лик ўсиш кузатилди. Ҳиндистоннинг барча туризм индикаторлари бўйича барқарор ўсиш кузатилмоқда, 2018-йилда туризмнинг ЯИМ даги улуши 6,7%га ошган. Бунга асосий сабаб унинг ўрта тоифаси ўсишда давом этмишидир. Марказий Осиёда туризмнинг ЯИМ даги улушида ўсиш суръатлари қайд этилди, бунга Қозоғистон ва Ўзбекистонда фаол визаларни расмийлаштириш ва инфратузилмани такомиллаштириш туфайли эришилди.

2018-йилда Африка ЯИМ ўртача 3,2%га ўсган бўлса, ундаги туризм секторининг улуши 5,6% лик ўсишга эришди. Африкани 2018 йилдаги натижаларга кўра (Осиё-Тинч океани минтақасидан кейин) туризм энг тез ривожланаётган иккинчи минтақа дейиш мумкин. Бу ўсиш қисман Шимолий Африканинг туристлар учун хавфсизликнинг қайта тикланиши, шунингдек, саёҳатларни осонлаштиришга қаратилган сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан изоҳлаш мумкин.

Эфиопия нафақат Африкада балки дунё бўйича энг тез ривожланаётган туристик иқтисодиёти билан ажралиб туради. Эфиўпия туризмнинг 2018-йилда 48,6% га ўсишида унинг минтақавий транспорт марказига айланиши ва визани расмийлаштириш жараёнларини енгиллаштириш сиёсати натижасида халқаро ташриф буюрувчиларнинг ортиши асосий сабабчи омил бўлди. Шу билан бирга, Мисрнинг сайёҳлик сектори 16,5 фоизга ўсиб, сезиларли даражада барқарорликка эришди. Мамлакатда Шарм аш-Шайх каби муҳим йўналишларда хавфсизликнинг доимий яхшиланиши халқаро сайёҳларни шимолий қирғоққа қайтаришга ёрдам бермоқда.

“Европа туризмнинг минтақа ЯИМ даги улуши 3,1% ўсишга эришди. Такидлаш жоизки, минтақа иқтисодиёти умумий 2% ўсишига халқаро ташриф буюрувчилар сарфларининг 4,9% ўсиши билан боғлиқ. Иқтисодиёти энг йирик бўлган давлатлар қаторида Туркия (+ 15,0%), Португалия (+ 8,1%) ва Греция (+ 6,9%)” [11] энг тез ўсишга эришдилар. Туркиядаги ўсиш хавфсизликнинг яхшиланиши ва валютасининг қадрсизланиши билан боғлиқ бўлиб, бу мамлакатни хорижий меҳмонлар учун янада жозибадор қилди. Шу билан бирга, Португалия ва Грецияда бундай юқори ўсиш саёҳат ва туризмнинг доимий равишда ҳукумат томонидан қўллаб-қувватлаш стратегиялари билан боғлиқ.

ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Ўзбекистон учун ҳам жадал ривожланиб бораётган туризм соҳасига алоҳида эътибор қаратиш кенг имкониятларини яратади. Айниқса қисқа муддатли саёҳатлар, шаҳар туризми, гастрономик туризм ва зиёрат туризмини ривожлантириш ўзбек туризмнинг асоси дейишимиз мумкин.

Жаҳон туризми учун Ўзбекистон географик жihatдан анча қулай жойлашган. Буюк ипак йўли чорраҳаси ҳисобланган марказий Осиё бугунги кунда туризм ривожланган Европа Яқин шарқ, Жануби-шарқий Осиё минтақларининг марказидир. Бу омил туристлар учун қисқа мудатли транзит саёҳатларини амалга оширишлари мумкин. Ўзбекистон халқаро коридорларини Жануби-шарқий

Осиё млакатлари ҳамда Якин Шарқ билан ҳам боғлаш орқали туристларнинг кенг оқимини жалб қилиш мумкин.

Ўзбекистон тарихий маданий обидаларга бой бўлган мамлакат ҳисобланади. 7200 дан ортиқ маданий ёдгорликлардан 200 га яқини ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Бу ўзбек туризмига ўзгача жозибадорлик беради. Албатта тарихий шаҳар билан бир қаторда замонавий шаҳарларнинг бунёд этилиши туристларнинг камровини кенгайтиради.

Ўзбекистон табиати бетакрорлиги билан ҳам бошқа мамлакатлардан ажралиб туради. Шу боисдан, бу имкониятдан самарали фойдаланган ҳолда эко туризм инфратузулмасини яхшилаб, унинг иқтисодий рентабеллигини ошириш керак.

Ўзбекистон ислом оламида ўз тарихи билан юқори мавқейга эга. Мусулмон сайёҳларнинг Имом Бухорий, ат-Термизий, Мотурудий каби уламоларимизнинг зиёратгоҳларига ташриф буюриш учун истаклари катта. Шунингдек мусулмон туристик бозори йилдан йилга кенгайиб, талаб ҳам ортиб бормоқда. Мусулмон мамлакатлари туристларини жалб қилиш орқали катта туристик оқимни йўлга қўйиш мумкин.

Кейинги ўн йилликда ҳар тўртта янги иш жойидан биттаси туризм сектори томонидан яратилишини инобатга олсак, туризм Ўзбекистонда қўшимча иш ўринларини яратиб ишсилик даражасини пасайтиришга ката ҳисса қўшади. Бу ўз навбатида аҳолининг юқори даромад манбайи сифатида хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Тўхлиев Н., Жиянов Ў. Туризмнинг ривожланиш миллий моделлари: дарслик. – Т.: “Илм -зиё-заковат” нашриёти, 2020.
2. Худояров А.А. Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантиришнинг ташкилий иқтисодий механизмлар: монография – Т.: «COMPLEX PRINT» нашриёти, 2021.
3. Travel & Tourism Economic Impact 2018 Uzbekistan//World Travel & Tourism Council. 2018 march.
4. Travel & Tourism Economic Impact 2019. P.1.
5. World Travel Trends 2018/2019, P.2.
6. UNWTO barometer 2018 – World Tourism Organization (UNWTO), апрел 2018. <https://www.moodiedavittreport.com/wp-content/uploads/2018/04/wto-1.png>
7. Худояров А.А. Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантиришнинг ташкилий иқтисодий механизмлар: монография. – Т.: «COMPLEX PRINT» нашриёти, 2021.
8. UNWTO barometer 2018 – World Tourism Organization (UNWTO), april. 2018. <https://www.moodiedavittreport.com/wp-content/uploads/2018/04/wto-1.png>
9. Travel & Tourism Economic Impact 2019. – P. 5.
10. <https://www.unwto.org/tourism-covid-19>.
11. Travel & Tourism Economic Impact 2019. – P. 1